

Ёлғонни тарк қилиш буюк фазилятдир (давоми)



14:40 / 18.12.2018 2864

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг изларидан одамларнинг орасига борсам, ўзимга ўзим мунофиқ ёки узрли одамга ўхшаб кўринавердим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукка етиб боргунларича мени ёдга олмадилар. Табукда одамлар ичида ўтирганларида:

- Каъб ибн Молик нима қилди? - дедилар.

Бану Салама қабиласидан бир киши:

- Эй Аллоҳнинг Расули, у икки чопонига ва ёнбошига маҳлиё бўлиб қолди, - деди.

Шунда Муъоз ибн Жабал ҳалиги одамга:

– Яхши гап айтмадинг, – деди ва: – Эй Аллоҳнинг Расули, унинг фақат яхшилигини биламиз, холос, – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам индамадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Табукдан қайтиб келаётганларининг хабарини эшитгач, мени ғам босди. **Ёлғон гапиришни ўйлай бошладим.** «Эртага у кишининг ғазабидан қандай қутуламан», дер эдим. Ҳар бир фикрли одамнинг олдига бориб, бу ҳақда маслаҳат сўраб эдим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етиб келдилар. Сафардан қайтганда қиладиган одатлари бўйича, биринчи масжидга кирдилар, икки ракъат намоз ўқидилар. Сўнгра ўтириб, одамлар билан сўрашишни бошладилар. Ҳазратга борма қолганлар келиб, у кишига узр айтиб, қасам ича бошладилар. Саксондан кўпроқ одам эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг сиртдан айтган узрларини, байъатларини қабул қилдилар, улар учун истиғфор айтдилар ва ичларидагини Аллоҳга ҳавола этдилар. Навбат менга келди. У кишига салом берган эдим, заҳарханда жилмайдилар ва:

– Бу ёққа кел! – дедилар. Юриб бориб олдиларига ўтирдим. У киши менга:

– Сени нима олиб қолди? Улов сотиб олган эдинг-ку? – дедилар.

– Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, агар сиздан бошқа бирорта аҳли дунёнинг қаршисида ўтирганимда, узр айтиб, унинг ғазабидан қутулиб кетар эдим. Худо менга тортишиш қобилиятини берган. Лекин Аллоҳга қасамки, **агар бугун ёлғон гапириб, сизни рози қилсам, албатта, Аллоҳ мени сизнинг ғазабингизга дучор этади.** Агар ростини айтсам, мендан хафа бўласиз. Нима бўлса ҳам Аллоҳдан кўрдим. Аллоҳга қасамки, менинг узрим йўқ эди. Аллоҳга қасамки, ҳеч қачон сиздан ортда қолган чоғимдагидек кучли ва имкониятли бўлмаган эдим, – дедим. Расулуллоҳ алайҳиссалом:

– Аммо мана бу рост гапирди. Тур, Аллоҳ сен ҳақингда ҳукм қилгунича кут, – дедилар.

Туриб кетдим. Бану Салама қабиласи одамлари шошиб, ортимдан етиб келдилар ва:

– Аллоҳга қасамки, бундан олдин ҳеч гуноҳ қилганингни билмаган эдик. Бошқа ортда қолганлар каби узр айтишдан ҳам ожиз бўлдинг. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гуноҳинг учун истиффор айтсалар, кифоя қилар эди, – дейишди.

Аллоҳга қасамки, улар мени шунчалик айблашдики, ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, ўзимни ёлғончи қилсаммикан, деб ҳам қолдим. Сўнгра уларга:

– Бирорта одам менга ўхшаган гап айтдимми? – дедим.

– Ҳа. Яна икки киши сен айтган гапларни айтди ва уларга ҳам сенга айтилган гаплар айтилди, – дедилар.

– Улар кимлар? – дедим.

– Мурора ибн Робиъ ва Ҳилол ибн Умайя Воқифий, – дейишди.

Менга Бадрда иштирок этган икки аҳли солиҳ, ҳаммага ўрнатқилиб кўрсатиладиган кишиларни зикр қилишди. Икковларини айтишганидан сўнг йўлимда кетавердим.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ортда қолганлардан биз – ушовимизга одамларнинг гапиришини ман қилдилар. Одамлар биздан четландилар. Ҳатто менга ер ҳам ўзини олиб қочаётгандек кўриниб қолди. Ер мен танийдиган ерга ўхшамас эди. Шу ҳолда эллик кун ўтди. Иккала шеригим уйларида чикмай ўтирар эдилар.

Мен уларнинг ичида кучли ва қувватлиси эдим. Бориб, мусулмонлар билан бирга намоз ўқир эдим, бозорларни айланардим. Аммо менга ҳеч ким гапирмас эди. Намоз ўқиб бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўтирган жойларига келиб, у зотга салом берар эдим. Ўзимча «Алик олиб, лабларини қимирлатдиларми ёки йўқми?» дер эдим.

Имкон борица у зотга яқин жойда намоз ўқир ва ўғринча назар солар эдим. Намоз ўқисам, менга қарар, у зотга қарасам, кўзларини олиб қочар эдилар. Мусулмонларнинг мандан ўзларини олиб қочишлари чўзилиб кетгач, амакиваччам ва энг севган одамим – Абу Қатоданинг уйига бордим. Унга салом берган эдим, алик олмади. Унга:

– Эй Абу Қатода, Аллоҳ ҳаққи, айт-чи, менинг Аллоҳни ва Расулини севишимни биласанми? – дедим.

У индамади. Унга яна ўша гапларимни такрорладим. У индамади. Яна қайтадан мурожаат қилдим.

- Аллоҳ ва Расули билади, - деди.

Икки кўзимдан ёш қуйилиб, ортимга қайтдим.

(давоми бор)

«Ёлғон» китобидан